

Ўзбек шоири Рамз Бобожонга «Оби ҳаёт» поэмаси учун Давлат мукофоти берилди. Эркин шеър билан ёзилган бу асар Ўрта Осиё республикаларида юз берган туб ўзгаришлар, Мир-зачўлни ўзлаштиришга асос солган Ленин декрети, халқларимиз ўртасидаги дўстлик, Улуғ Ватан уруши йилларида Ленинградни ҳимоя қилишда иштирок этган ўзбеклар, қozoқлар, туркманлар ҳақида ҳикоя қилади. Совет кишисининг табиатининг кўр, ёввойи кучларига қарши кураши ва бу курашда жиловланган сувнинг чўлларга ҳаёт элтганини куйлайди. Асар — ўзбек совет адабиётида янги ҳодисадир.

НИКОЛАЙ ТИХОНОВ



РАМЗ БОБОЖОН

ОБИ ҲАЁТ

ДОСТОН

**ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1973**



Рассом И. Д. КИРИАКИДИ

Балли!
 Марказкомнинг
 диққат марказида,
 Нотиқлар сўзида,
 Элнинг кўзида,
 Олимлар фаразида,
 Рақиблар фаразида
 Энг муҳим масала —
 сув масаласи.
 Башариятнинг
 кекса фалсафаси:
 Асрий бир зиддият —
 Ҳам бахт,
 ҳам фожиаси...
 Қалбдаги қатъият,
 Шижоат,
 Гурур,
 Суяк суриб келган
 меҳру муҳаббат,
 Онгдаги инқилоб,
 Нуруний шуур,
 Ўлка гўзаллиги,
 ҳусну жамоли,
 Халқимнинг мардлиги,
 эрки, * * *
 камоли...
 Аммо
 Беандиша табиий офат,
 Гаримсел ялаган,
 қовжираган боғ,
 Ташналикдан жон берган тупроқ,
 Карвон
 йўлидаги баланд-пастликлар,
 Баъзан кутилмаган маст-аластликлар:
 Бўронлар,
 Тўфонлар...

 Куни-кеча тизгинни узган,
 Учрагани қўтосдай сузган,
 Телба Аму,
 Қутурган Аму

Мени ҳам

даврага этади даъват,

Чорлайди баҳсга...

Ташаккур!

Таклифнома

шарт ҳам эмас-ку!

Билмайман ҳаловат,

Ўтайман бурчни

Асабларга жамғариб кучни,

Лекин, бу шоир деб,

довдир деб,

қараманг холос.

Дипломат

баёнот бергандай

ТАССга

Эзгу қонидани сақлолмайман,

рост,

Сўзларга кийдириб шоҳона либос...

Кечиринг,

Узр!

2

Романтик хаёллар қўймайди баъзан,

Баъзан бепарволик,

беғамлик қургур

Бағрига олгудай бўлади,

зотан,

Ўргимчак уядай чувалган,

бенур!

Йўқ!

Пайти эмасдир эринчакликнинг,

Узлатга чекинсин ғафлат,

мудроқ!

Эй, илҳом париси, қанотингни қоқ!

Хабар ол!

Жанубий нуқтада не ҳол?

Ҳайҳот!

Ҳали тотмай келинчакликнинг

Ширин-шакарини,

нашъу намосин,

Лекин

қорачиқдай сақлаб ҳаёсин,

6



Бобо мироб —
 сув соҳиби
 бугун прокурор,
 Қоралайди эркатойини,
 Кўрсатиб жойини
 қора курсидан!
 Аму тажовузкор,
 Аму безори!
 Жиноий иш очилган
 унинг устидан.
 Зал —
 бир воҳа,
 Даъвогарлар йиртгудай ёқа,
 Шоҳид беҳисоб...
 Суд ҳукмига —
 оби ҳаёт сўзи,
 Балки,
 Аму ўзи
 катта сарлавҳа,
 Соқчилар —
 хитоб!..

4

Паровоз қичқиради,
 Гудок янграйди,
 Фарқ бўлган гўдакдай
 Чоржўй инграйди:
 «Sos!»
 «Sos!»
 «Sos!»
 Дейдиларки,
 сув ила олов
 Мисли тилсиз ёв.
 Урмонни ўт олса,
 ёнар ҳўл-қуруқ,
 Шаҳарни сув босса,
 топилмас йўриқ...
 Эфир тўлқинида
 кезар шум хабар,
 Титратади симни узгудай.
 Ҳамла қилар
 элга хавф-хатар,

9

Гулшанни емириб,
 уйни бузгудай,
 Ииртқичликда Жўжидан баттар,
 Бўжидан баттар!
 Қамал!
 Борми бир амал?!
 Эслайман,
 қаҳрамон Ленинградни,
 Нева соҳилида кулган жаннатни:
 Ногаҳон
 текканда хиёнат тиғи,
 Уруш махлуқининг тўмтоқ тумшуғи,
 Чирқирази босқинчиликдан,
 Лекин
 тиз чўкмади,
 руҳан сўнмади,
 Совуқдан тўнмади,
 Ҳолбуки,
 Уч-йилу уч ой қамал,
 Уч-йилу тўқсон кун очлик,
 Айниқса,
 бир қултум сувга муҳтожлик!
 (Бир қултум сувга зор
 Ленинградга
 Чоржўйни ўхшатдим,
 Ўхшатиш нисбий;
 Уддалай олмасам,
 Шеърятга
 Мабодо
 Омихта бўлмаса,
 Расмий,
 Назарий!
 Эйнштейндан
 сўрайман кўмак,
 Кучсизми
 мияга нисбатан юрак?)

5

Чоржўй
 чўкаётган гўдакдай
 ҳамон

10

Алпинар,
 Талпинар,
 Интилар қирғоққа,
 Кучли ҳаяжон...
 Машина
 Йўл олади олис қишлоққа,
 Ичида бола-чақа,
 кийим-кечак,
 нон...
 Чоржўйда боради эвакуация:
 Кавш қайтарганча
 Карвону карвон ётар нортуя;
 Бир замон бўлса ҳам баҳоси баланд,
 Гўё зўр талант,
 Энди экзотика...
 Одамлар кўчади,
 Самолёт кетма-кет учади,
 Вертолётлар пармадай буралиб тикка —
 Кўтарилиб боради кўкка.
 Бири Бухорога,
 Бири Қаршига...
 Хотин-халаж,
 чолу кампир,
 қозону товоқ
 «Чоржўй фронти»нинг ҳарбий маршига
 Итоаткор боради,
 Интизомга боқ!
 Ҳали йўл йироқ.
 Ваҳима йўқ,
 Ҳовлиқиш, шов-шув!
 Бироқ забтига олади сув —
 «Тилсиз ёв», солиб дов...

Бир хонада —
 бир уйда аммо,
 Баҳс боради қийин,
 муаммо...
 Ҳал этишга
 етмас бир кеча,
 Обком нотинч,
 қоқмайди мижжа.
 Тонг отади,
 Бош хўп қотади:
 Хоразмда эрта ё индин —
 Эҳтимол,
 юз бериши мумкин
 Чоржўй драмаси!
 Чамаси —
 Одамлар серташвиш,
 Хона ичи дуд,
 Ҳисобда ҳар минут...
 Осмоннинг қути ўчган,
 Бадқовоқ,
 хомуш...
 Қуёш
 гўё қалбларга кўчган,
 Қалбларда ҳарорат...
 Водийларда қиш!
 Увиллайди бўрон
 бўридай
 Бетоқат,
 Пайдар-пай...
 Тоғ силсиласи сингарн
 қат-қат
 Муз қояси ўсган,
 Амуни тўсган,
 девордай баҳайбат.
 Бу қандай офат!
 Қаҳратон қиш.
 Меҳр-шафқат
 унга бегона.
 Қолгандай ордона!..

Ер — қор,
 кўк — қор,
 дарё усти — қор.
Ҳамон шиддаткор —
 аёз қақшатади,
Узан қотади,
Томирдаги холестериндай
Сув тўнғийди,
 сув!
Дарғазаб Аму!
Сув йўли берк,
Чоржўй ҳалқада...
Ҳали
 аллақанча ташвиш
 орқада...
Музни портлатсанг гар,
Оқади равон,
 биноқ
Далаларни ҳайвондай босар,
Эпложмай қирғоқ,
Жиловложмас
 ҳеч қандай куч,
Ҳеч қандай тўғон...
Эй, ақл!
 аҳтиёт бўл,
Аммо шошил,
 уч,
Фарҳод тешасини олиб елкага!
Кошки,
 тошқин этмаса пайҳон,
Хоразм боғларин куни-эртага?!

7

Қирғоқларда
 ёнади гулхан,
Гуриллайди ўрмон куйғандай.
Одамлар камтар,
 камсухан...
Йиқилса,
 ер тишлайди,
Аммо ишлайди...



— Маст-аластсан, бевафосан,
Ҳаддингдан ошма!
Эл бошига минг жафосан,
Кўпирма,
тошма!

Вафосиз ёр
газаб ўтин қалбларда ёқди...
Аму — хоин,
Қўлга тушди
севги ўйинида,
Ўзга қўйнида!
Қорақалпоқ каналининг
ҳусну жамоли,
Бошидаги ҳарир рўмоли,
Ром этгандай
бузиб кирди дамбаларни ҳам,
Эшикдаги тамбаларни ҳам...


16

Ахир,
 биз бир қўшиндан,
бир ротадан-ку:
Туркман,
 ўзбек,
 рус...
Дўстга дўст,
 вафодор,
Душманга ғаддор.
Қани,
 қув!
Босқинчи —
 «тилсиз ёв»ни қув,
То чекинсин у,
Тиз чўксин Аму!

8

— Йўқ!
Аму душманмас
 антагонистик! —
Суд залидан
Кимдир ташлади луқма.
Гапнинг рўй-ростини айтиш керак тик:
Унга қўйилган айб бари тўқима!
Ясама,
 уйдирма айбномалар,
Мавсумбоп ғалати,
 бачки жомалар —
Вақти ўтган,
 энди ҳақғўйлик,
Одиллик лозим...
Карнайдек
Дўриллатиб бирдан овозин,
Жим бўлиб қолди...
Зал шовқин солди:
— Нотўғри!
«Қизил сўзлик» бу!
Тилёғламалик,
 найранглар бекор!
Исбот учун далиллар бор,
Босқинчи —
 Аму!

17



Узр айтди,
 олмади бироқ...
 — Ҳеч бўлмаса,
 ютгил бир қултум...
 Унамади,
 солмади қулоқ...
 Сув ичди —
 бир коса тўлдириб лим-лим...
 Деди:
 — Сув сибқорсам,
 ёзилар кўнглим,
 Таажжуб!
 Баданимдан қочар сирқироқ!

9

Сув — H_2O
 оддий формула:
 Ҳаётга элексир,
 Заминга қувват...
 Наинки, бир жумла,
 бир бўғин,
 бир сўз,
 Оламга қилудай кўз-кўз,
 Бир томчиси —
 минг бир киловатт
 электр! —
 Кўзларга нур,
 Жонларга ҳузур...
 Ҳазрати инсон
 Сувсиз,
 нурсиз
 На иши битар,
 На куни ўтар,
 Миллий эътиқоду
 ирқидан зинҳор,
 На тирик,
 На ўлик;
 Туғилганда ҳам,
 Улим сиртмоғида бўғилганда ҳам,
 Ювинтирилар бошидан оёқ,
 Чилласида ёқилар чироқ.

Сувдан,
нурдан азиз нима бор?!
Оёғим остидан янгради нидо:
— Ер!
— Кечир!
Сени босиб турибман,
аммо
Унутганим йўқ,
Қулоқ бер,
она-Ер,
Азиз,
меҳрибон!
Қалбинг қайноқ,
багринг бепоён,
Сен ўзингсан
Ҳам сувга,
ҳам нурга макон!
Сени ардоқлайди,
Сен учун кафил
Инсон —
миришкор боғбон.
Не истайсан?
Тортинма,
гапир!

10

— Тинчлик истайман,
Осойишталик,
Саришталик,
Ободлик,
Шодлик!
Икрому иззатда
 бекаму-кўстлик,
Дўстлик,
Тотувлик,
Илму маърифатда
Поклик,
Етуклик!
Эй, Одам!
Ўзинг айтганингдек,
Мен Онаман-ку!
Кўксимдан сўт бериб ўстирдим,

Талафотдан чиқмади бошим.
Водород бомбаси,
 атом бомбаси,
Ер ости портлаши —
Ўлим оташи,
Жаҳаннам дағдағаси
Тегди жонимга,
Ташна қилди юрак қонимга!
Ўпкаси йўқ душман ўқини
Даф қилиб,
 ўзини неча бор қувдим.
Этик пошнасидан
Ажал машинасидан
 қолган қон юқини
Сув билан ювдим,
Нур билан ювдим...
Сув — кўз ёшим,
Нур — нуридийдам...

11

«Бу дoston —
Асрий армон
 сув ҳақида,
 нур ҳақида,
 Ленин ҳақида...
Чанг қўнмаган,
Музлаб тўнмаган
Жонли хотиралар,
 лавҳалар,
 мисралар
Бугунни куйлар...»
Десам
 хушёр танқидчи баъзан
Ишоранинг
 бормай фарқига,
На изланишни,
На ижод сирин,
На қалтис бир ишни
 олмагандай тан,
Ёдлаганин
 адашмай сўйлар, —
«Қани, — дейди, —
 таржимаи ҳол,

22

Назарияга бўйсунмас нечун?

Воқеа йўқ,

қаерда тугун?

Ечим —

талаб қилади савол.

Портрет-чи,

кўринмас яққол,

Беинтизом қофия,

вазн...

Бу қандай гап,

насрми — назм?»

Мен

достон яратиш кўйида

Атайлаб

на Ижод уйида

Қадалиб ўлтириб кечаю кундуз,

На тугун,

На ечим,

На антиқа сўз,

На вазну қофия

ахтарганим йўқ!

Бир ишком узумдан

Танлаб бир бошни

Ёки балчиқ,

қумдан

Ялтироқ тошни

Топгандай

на қилдим кўз-кўз...

На жар солдим,

На гангиб қолдим,

На кеккайиб,

мақтанганим йўқ!

Танқидчи хўмрайса,

Жилмайдим холос.

Мабодо жилмайса,

Хўмрайдим баттар.

Илҳом келиб,

Селдай қуйди-ю шаррос,

Кўзимдан

уйқуни қочирди саҳар...

Яна давом этдим —

Мисралар битдим.

Найлай!

Билмай қолдим



Қайнаб-тошди
севинч булоқларим.
Тонготар
уфқида ўчмас нимранг ой
Дўнан Дўсмаатовнинг
кетмон изими?
Сахрога интилиб оққан
кумуш сой
Янги ер чинорин ўқ илдизими?
Кечаги тераклар кўринар бўйчан
Қуйганёрга қўшгандай ҳусн.
БФКа устида тураман ўйчан,
Оёқларим остида тўлқин..
Ҳалима овози,
Тамара рақси
Мавжлардан
мавжларга ўйнаб учгандай.
Халқнинг амри билан
Юсупов акси
Сувнинг жилосига
мангу кўчгандай.

Йиллар оғир эди,
Йўллар ундан ҳам....
Сир сирилди,
бурилди даштга.
Хужумдан
хужумга отланди ўлкам,
Кулфат тоши ёққанда
Сирнинг суви оқди чўлнинг қалбига,
Томирларда оққан каби қон.
Ўлик ер тирилди,
тер маржон-маржон,
Ҳарорат югурди совуқ лабига.
Дарёдан сув келди,
ГЭСдан нур келди —
Пахтазор тўлғанди
мовий денгиздай;
Турсуной кемаси
елкандай елди,

Зимистон кечалар кулди
кундуздай.

14

Йиллар оғир эди,
Йўллар ундан ҳам...
Сталинградда
узил-кесил жанг.
Москва бўсагаси —
Рус қишлоғида
Руснинг қизи Зоя
Йиртқич қийноғида —
Ажал тирноғида
Жон берди аранг...

Ҳоли танг,
абгор,
Бир қултум сувга зор,
Бир қултум сувга...
Фашист дағдағаси —
Ўлимтик қаҳқаҳаси
Мазах учун яратилгандай!
Зоя инграганда,
Сув деганда,
ўт тутди атай,
Дафъатан
керосин лампадан
Томоқларига,
Чанқоқ
норасида дудоқларига...
Бир қултум сув
кўзнинг оқидай
Филтиллайди
кўзи олдида,
Аммо ичолмайди,
ичай дейди-ю,
Илож тополмайди,
кучдан толди-да!
Бир қултум сув
ҳаёт ҳаққидай!

28

Эй, хаёл!
 Сабр қил,
 қайларга учдинг,
 Қалбимни
 олиб кетдинг
 қанотларингда...
 Қимларни тарк этдинг,
 кимларни қучдинг,
 Севгига мубтало соатларингда?!
 Сенсиз
 шоир умри майиб,
 ногирон,
 Сенсиз ҳаёт
 на тўла-тўкис,
 На завқ,
 на эҳтирос
 унда ҳукмрон!
 Палаж туғилгандай соҳибжамол қиз...
 Унутдингми?
 Сувнинг иши судда,
 Таажжуб бир ҳол...
 Бундай ҳодисани билмаган
 Ҳатто
 На Исо,
 На Мусо,
 На Муҳаммад,
 На Будда!
 Сувнинг иши судда,
 Пайғамбарлар лол!

 Ўтмишда не қилса,
 қилиб келган у,
 Анкетаси эмас бенуқсон:
 Тошса тошиб ётган,
 Босса босиб ётган
 Водийларни сув,
 Жиловлашга,
 жазолашга
 қурбсиздай инсон
 Баъзан қочган,
 Баъзан
 заҳрини сочган;

Тоғ ошиб,
 Бош қашиб,
 Чўлма-чўл юрган
 сарсон-саргардон,
 Тўхтасинлар —
 Бало-гардон.
 Мабодо
 топилмас,
 ёлғон ишлатилган..
 Туғилганга
 Тўхтасин номи —
 Тангрининг «суюк каломи»
 Қўйилгану
 тўғон пешлатилган,
 Сой шошғанда,
 Дарё тошғанда..
 Сув бир бало,
 Жававаси тутса,
 беаёв,

 Бедаво!
 Унга
 бас келолмас на тўғон,
 на ғов,
 Қутуради —
 йўлларни бузар,
 Уйлар
 сувда қайиқдай сузар, —
 Борни
 йўқ қилади,
 Дўқ қилади.

16

Суд давом этади..
 Янграйди
 деҳқон сўзи
 Юксак минбардан:
 — Муҳтарам судья!
 Ҳурматли суд ҳайъати!
 Сизга аён:
 Аму азалдан —

Ўлгудай шўх,
 тантиқ,
 такасалтанг...
 Ашаддий душманмас, йўқ!
 Йўқ!
 Энди бу аниқ!
 Аммо
 етмас унда қатъият!
 Ташвишга бетоқат,
 Ниҳоят тажанг.
 Айб
 ўзимизда,
 Эркалатиб қўйдик,
 Ёмон қилиғини
 яхшига йўйдик,
 Ўз вақтида қўлга ололмадик,
 Йўлга сололмадик;
 На берилди тарбия,
 одоб,
 Мутолаа қилмади китоб,
 «Педагогик поэма»дан
 балки беҳабар?!

Ўлгудай шўх,
 ўлгудай ўжар!
 — Шўх эмас, лақма! —
 Бобо мироб ташлади луқма, —
 Шўхлик,
 бу тўқлик,
 Эҳтимол, кўҳлик!
 Лақмаликдан сақласин худо!
 Худди Маликаи айёр —
 об-ҳаво

Гоҳ исийди,
 Гоҳ совийди —
 Лақиллатади.
 Гоҳ ундай,
 Гоҳ бундай қилади таъсир,
 Аму — лақма,
 Тушади лаққа...
 гўё

Кулоғи кар,
 Кўзлари басир,
 Табиат макрига асир.

— Лақма бұлса,
лақиллатиб кўр, —

Деди деҳкон. —

Ўз сўзига келтириб имон, —

Бу ўйинда ким чиқаркан зўр?

Ҳали муаммо!

АММО

Амуни —

бир дарё сувни

Бой бериб бўлмас!

Демак,

бас!

Одамга,

кўкламга,

Далага,

Ғаллаға

Сув керак-ку,

суб!

Чорвага,

сахрога,

Пахтага,

шахтага

Ҳаммага —

Пазандага ҳам,

Хатто,

газандага ҳам,

Сув керак,

суб керак!

— Бу яхши тилак!

Лекин

мен гүвоҳ,

Айтмасам, гуноҳ...

Қанча сув бұлса ғам,

санъатдан бўлак,

Ҳамма нарсасага,

КОСМОСГА ЭХТИМОЛ,

Ойгами,

юлдузгами,

Майли,

бемалол! —

Дејди китобхон

қалб тўла армон:

Естиқдай баъзи том —

Лиммо-лим бир жом...



Кечирсин муаллиф,
Билолмадим,
қайдан бу адиб?!

17

Яна
наврӯз шошар далага,
Тўлиб-тошар куйга,
яллага...
Булоқ боши,
Ялт-ялт тоши
Кўзни олади,
Юз ювгани келган қизлар
Қараб қолади;
Жилолмайди
Булоқ бошидан,
Кўз узолмас
сув тубида ёнган
тошидан.

Гўзал чашма,
Сеҳри ташна,
Тортар ўзига —
қалби қайноқдай;
Ҳовуч-ҳовуч сув
юзига

Олиб сочар,
Кулиб қочар
Бир қизалоқ
йигит кўзидан...

Ногоҳ
хурсанд ўзи-ўзидан:

Юзи ойдай,
Қоши ёйдай,
Кўзи чароқдай.

Таажжуб!
Ҳатто кампир
ювса юзин

Ажин кетармиш,
Юлиқ сочи ўсиб узун,
Белга етармиш.
Сувнинг сеҳри —
Элнинг меҳри

Очлик ғарази...
 Аммо
 Тўлқинлар,
 Тошқинлар
 ундан ҳам баттар!
 Ҳалокат важдан шов-шув,
 шовқинлар
 Қилгудай қулоқларни кар!
 Наҳотки,
 Нафосат,
 санъат юлдузи —
 Гўзал Венеция
 суга кўмилса,
 Денгизчилар удумига хос?!
 Асло!
 Йўқ бунга асос,
 У ер қизи!
 Кошки,
 чўмилса,
 Шўхлик қилса,
 шўнғиса нурга,
 Интилса кунга,
 Юксалгандай
 антик маърифат —
 Бебаҳо ҳилқат!
 Табиатнинг
 қочдими меҳри?!
 Туркияда тошқин.
 Сурияда сел,
 Ҳиндистонда «муссон» ёмғири...
 Японияда цунама,
 Африкада қор...
 Атакамада қирқ йил
 муттасил
 Қурғоқчилик,
 томчи суга зор...
 Наҳотки,
 гафлатда инсон шуури!
 Шумликдан
 ўзини тиймаса офат,
 Наҳотки,
 юз берса йўлда ҳалокат?!
 Йўқ!
 Ер учади космос кемадай!



Бортда
Йўловчилар —
 уч ярим миллиард!
Юлдузлар галаси ортда
 турнадай,
Гўёки,
 етолмас,
 қанотин қоқиб,
Гагарин жилмаяр
 космосдан боқиб...
Ҳамон
 Шотландияда
 асрий сарқитдай
Соҳиби «жамият» —
Ўта қайсар лорд
Пўпанакка илингандай мўрт,
Жоҳил фикридан
 чекинмай қиттай
Дўнғиллайди:
— Ер ясси...

19

— Мана,
 мен ўзбекман, —
 дейди бир шоҳид, —
Қўчимни ортмоқлаб
 юрганман узоқ,
Маккани кўрмадим,
 танимас зоҳид,
Қуддуси шарифда
 ёқмадим чироқ.
Бироқ
Енисей бўйлари,
Дарё куйлари
Мени тўлқинлатди,
 туролмадим тек!
Мен, —
 ўша сув кўрса,
 югуриб чошган,
Ўзига меҳнатни қидириб топган,
«Ўрхун битиклари»н ёзиб-ўқиган,
Қўшиқ тўқиган,
Қозонда палови бор,
Ўчоқда олови бор,

38

Ялангтўш,
Бахти қўш-қўш,
Чўлқувар,
Пахтакор,
Эрки барқарор
Қанотли,
Саводли
Ўзбекман.

Ўзбек!
Гувоҳлик бераман —
Амуга ҳам,
Сирга ҳам,
Зарафшонга ҳам.

Тўғри,
Гуноҳ деса,
гуноҳчалик бор,
Фақат бирида кўп,
бирида сал кам...

Илтимос шу:
Ўртоқ судья,
Ўртоқ прокурор!
Амуни
чўлга ҳайданг,
«Тегсин, — денг, — фойданг»
Кетсин
Ернинг манглайдан шўр!

20

Суд давом этади...
Сув устидан,
Аму устидан
Халқ
хукмини ўқир барала.
Бир тарозу
ва икки палла,
Бирида —
сув туфайли роҳат,
Бирида — даҳшат.
Одил суд
тортади заргар мисоли,
Қайси бири вазмин:
офатми,
толе?

39

Қарор шу:
 Сув ҳам
 инсон умридай тирик,
 Ишга солсанг,
 иши хўп йирик,
 Меҳнатдан қолдими,
 ё шум,
 ё ўлик...
 Жумладан,
 Аму!
 Жинси сув,
 хиёнат,
 тажовузкорлик,
 Беорлик!
 Бадарға қилинсин
 Сурхон даштига,
 Қарши чўлларига!
 Меҳнатда есин тоб,
 Ўргансин одоб,
 Поёндоз тўшасин
 инсон йўлларига!
 Аму довдирайди —
 жони ҳиқилдоғида,
 Айтолмайди
 сўнгги сўзни ҳам...

21

Маржон терми
 чўл ёноғида,
 Ё Амуми, дардига малҳам?
 Пулизиндон жамолига боқ!
 Кулар хандон
 янги қишлоқ!
 Қўринар олисдан —
 ўнгингмас
 тушдай,
 Қўлда сузиб юрган оққушдай.
 Янги Чоржўй
 йироқ-йироқдан
 Кечган каби эски гуноҳдан,
 Сувга беғараз,
 Қилмайди араз,

40



Юксалди пояма-поя,
Дўстлик унга яхши ҳамсоя!
Сув оқади,
Нур балқади
Алла айтгандай,
Ўйнаб-ўйнаб,
Куйлаб-куйлаб,
Ялла айтгандай:
Кел, азизим,
Қаршига кел,
Сўрхонимга кел!
Эгизак бўстон,
Қўш гулистон —
Мақонимга кел!

Аму оқар чўл қўйнига —
Оқар оби ҳаёт,
Шода-шода гул
 бўйнига —
Такар коинот...

Шўрхоқларни ювиб ўғар,
Жазирани қувиб ўтар,
Чопар манзилга;
Шумлик кутса,
Қумлик ютса,
Олар ҳазилга;
Йўлдан қолмас,
Ҳориб толмас,
Пахтазор — мўлжал,
Юғурар жадал!..

22

**Қаловини топсанг,
 бир стакан сув
Бир қишни иситиш учун ярайди.
Ҳали кўздан қочмасдан уйқу,
Табиат гўзали сочни тарайди.
Бир ёнда Шаҳрисабз гиламдай
 ёйик,**

Бир ён —
Дехқонобод тоғига туташ...
Амуда сузади елканли қайиқ,
Ўртада ғариб чўл
чорсуга ўхшаш.
Бухоро воҳаси
қоққандай қошин,
Амуни имлайди ўз қучоғига.
Бағрига босганча жануб қуёшин,
Қизилқум
киради тун ётоғига...

Аму оқар —
оқар оби ҳаёт
Гиёҳларни тортиб
қўш қулоғидан.
Қоматин кўтарар девдай иншоот
Ложувард осмонга
чўл тупроғидан.

Қизилоёқ,
Ҳалимаржон —
Наманганми
ёки Андижон?
Фарқ қилолмай қолади киши!
(XXIII съезднинг иши
Бениҳоя бўлса ҳам,
аммо
Қарши чўли —
қадимий саҳро,
Сурхондаги лалмикор ерлар,
Ҳали деҳқон билмаган сирлар
Қўз олдидан кетмади нари,
Башорат этгандай
бугунни кўрди —
Етаклади келажак сари,
Иш бошида
нақ ўзи турди.)

Аму
ҳамон оқарди бебурд,
Қардошлар
тўрт ёқдан келдию,
тутди,

Мисоли қалтис бир ўйинда ютди,
Фахр этса,
арзийди музаффар эл-юрт!
Ленин топшириғи,
йўлу йўриғи
Монолит ҳайкалдай
қад кўтарди тик.
Ўлкамнинг боғ-роғи,
ҳатто қўриғи
Қўз олдида
Ильични кўради тирик,
Икки қўл кўксида —
қилади таъзим...

Биркам юзга кирган
кекса донишманд —
Нуроний Маркснинг
худди ўзидай,
Сўзи — сўзидай,
Кўзи — кўзидай
Қадрдон элиға солади разм
Ўлимларни қолдириб доғда,
Азроилга берган каби панд!
Биркам юзга кирган
кекса донишманд,
ақли расо.

Бекўзойнак,
Беасо,
Ватанни кезгудай
Мирзачўлга боқади қиё,
Сайр этади Ўзбекистонни...

Рақамлар ичида
4.100.000
Энг вазмин,
Энг оҳанрабо,
Ҳайратга солгудай
буюк Ньютонни —
Жозиба қонунида
янги ихтиро,
Янги кашфиёт...

Алхимик билмаган,
Хаёл қилмаган

ХОТИМА ЎРНИДА

— Йўл бўлсин,
Аму?

Сурхон,
Қарши интизор,
илҳақ!
Қўзларда идрок нури,
Қалбларда ғурур,
Сўнгги ҳужумга шай —
марди майдон халқ!

Бу халқнинг
минг йиллик тарихи —
аён!

Шараф билан тилга олинур номи.
Туркман,
қорақалпоқ,
ўзбек —
жонажон.

Канда қилмас дўстлик саломин.
Оғир кунларда ҳам
Бир-бирига эш,
Базму сайлларда қадрдон улфат.
Пахтадан мўл ҳосил олар —
иши беш,

Бири-бирига ёзади тўйхат.
Қутлашар янги шон,
янги зафар-ла,
Янги режа билан бири-бирини.
Амуни чўлларга
далама-дала —

Қувар,
гулга буркар азиз ерини.
Кун-кеча қуш учса қаноти куйган
Дашту биёбонда қулф урар боғлар,
Яшнар
гармселдан қовжираб куйган
Чаманлар,
воҳалар,
яқин-йироқлар...

Водийлар
кийинар ҳарир,
кумушдан,

Тартибга чақирилган

инжиқ об-ҳаво.

Эрта

нишон қолмас сариқ қамишдан,

Қамиш бир чалишга ярамас ҳатто!

Бунда янги корпус,

янги иншоот —

Коммунизм учун

сўнмас обида,

Бунда оқар Аму,

оқар оби ҳаёт.

Алмисоқдан қолган қонун-қоида

Кучини йўқотган —

янгиланар ер,

«Оқ олтин» яратар замин,

замона.

Сувдай сероб бўлғур талай баҳодир

Чўлда яратади янги Фарғона.

Аму

қилиғидан,

мангу шўхлигидан

Элга тавба қилиб, оқади ювош...

Баъзан бурқиб кетса

ўз иссиғидан,

Сувда сузиб қолади қуёш.

Сув — нажот.

Оқар оби ҳаёт!

РАМЗ БАБАДЖАН

ЖИВАЯ ВОДА

Поэма

Второе издание

Китоб оригинал-макет
бўйича нашр этилди.

Редактор **Омон Матжон**
Рассом **И. Кириакиди**
Расмлар редактори **Н. Холиқов**
Техн. редактор **В. Барсукова**
Корректор **Ш. Зухриддинов**

Босмахонага берилди 23/II-1973 й. Боснишга рухсат этилди
30/III-1973 й. Формат 84×108¹/₃₂. Босма л. 1.5. Шартли
босма л. 2,52. Нашр л. 2,57. Тиражи 25000.

Ғафур Ғулом номдаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент.
Навой кўчаси, 30. Шартнома № 15—73.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитетининг
2-босмахонасида м/мелов қоғозга босилди. Янги йўл, Чехов
кўчаси, 3. 1973 йил, заказ № 21. Баҳоси 32 т.

Ўз2
Б 12

Бобожон Рамз.

Оби ҳаёт. Достон 2-нашри.
Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
48 б.

Бабаджан Рамз.

Живая вода.

Ўз2

7—4—3—173
Б—М—352—06—73 БЗ— —73